VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 4 278 та кичик бизнес субъектларини (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди. (2020 йилнинг шу даврига нисбатан 124,7 фоизга кўпдир).

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)

(дехқон ва фермер хўжаликларисиз)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо (жами ташкил этилган субъектларнинг 33,8 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида (27,5 фоиз), саноат соҳасида (19,2 фоиз) ва қурилишда (6,3 фоиз) ташкил этилган.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– инвестициялар ҳажми 10 436,8 млрд. сўмлик (умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 80,5 %) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 198,4 фоизни ташкил қилди;

– қурилиш ишлари ҳажми 2 665,4 млрд. сўмлик (қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги улуши 96,3 %) ва 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 101,7 фоизни ташкил қилди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3 571,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 127,2 %) ташкил қилди;

– хизматлар ҳажми 801,2 млрд. сўмлик кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмидаги улуши 16,3 %) 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 97,3 фоизни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси 6 238,5 млрд. сўмни (жами чакана товар айланмасининг 87,1 %) 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 108,2 фоизни ташкил қилди;

– товарлар экспорт ҳажми 76,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 61,6 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, товарлар импорт ҳажми 647,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 93,5 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

– автомобиль транспортида 38,2 минг тонна юк ташилиб (жами автомобиль транспорти юк ташишдаги улуши 96,8 %) 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 102,7 фоизни ташкил қилди;

– автомобиль транспортида 84,2 минг йўловчи ташилиб (умумий йўловчи ташишдаги улуши 94,6 %) 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 93,8 фоизни ташкил қилди;

2020 йилнинг январь-декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши – 82,7 фоизни, саноатда – 64,2 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 99,3 фоизни, қурилишда – 96,3 фоизни, экспортда – 61,6 фоизни ташкил қилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши

Вилоят бўйича кичик тадбиркорликда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлари
(*умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда*)

Жиззах вилояти бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Бахмал (100,0 млрд. сўм), Шароф Рашидов (100,0 млрд. сўм), Зомин (100,0 млрд. сўм.), Зафаробод (100,0 млрд. сўм.), Мирзачўл (94,8 млрд. сўм), Фориш (91,2 млрд. сўм.), Янгиобод (99,8 млрд. сўм) туманлар ҳиссасига тўғри келади.

Жиззах шаҳри (45,9 млд. сўм), Арнасой (50,4 млрд. сўм), Дўстлик (45,2 млрд. сўм),Зарбдор (50,6 млрд. сўм) ва Пахтакор (41,8 млрд. сўм) туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми пастлигича қолмоқда.

2020 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик бизнесда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми

2020 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати

Жиззах вилояти бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Жиззах шаҳрида (370,5 млрд. сўм), Шароф Рашидов (113,0 млрд. сўм), Зомин (74,8 млрд. сўм) ва Ғаллаорол (47,4 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий кўрсаткичларда кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, *% да*

	Саноат	*Қурилиш*	*Хизматлар*	*Қишлоқ хўжалиги*
Жиззах вилояти	**64,2**	**96,3**	**61,0**	**99,3**
шаҳар:				
Жиззах	49,3	95,7	36,0	96,8
туманлар:				
Арнасой	68,1	100,0	71,8	100,0
Бахмал	100,0	100,0	78,5	99,0
Ғаллаорол	84,4	100,0	81,1	99,5
Шароф Рашидов	100,0	100,0	78,9	100,0
Дўстлик	50,5	100,0	81,8	100,0
Зомин	100,0	100,0	77,5	99,3
Зарбдор	58,6	100,0	75,8	99,7
Зафаробод	100,0	74,2	75,6	95,9
Мирзачўл	97,2	80,6	65,7	100,0
Пахтакор	41,5	100,0	80,5	99,3
Фориш	87,5	100,0	78,7	99,6
Янгиобод	99,9	100,0	88,6	99,8

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятда кичик тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлари соҳалар бўйича таҳлил қилинганида:

- саноат тармоғида кичик тадбиркорлик Жиззах шахар (49,3 %), Дўстлик (50,5 %), Зарбдор (58,6 %), Пахтакор (41,5 %) туманларида вилоятга нисбатан улуши кам, Шароф Рашидов (100,0 %), Бахмал (100,0 %), Зомин (100,0 %), Зафаробод (100,0 %) туманларида юқори улушни ташкил этади.

- қурилиш тармоғида кичик тадбиркорлик Жиззах шахар (95,7 %), Мирзачўл (80,6 %), Зафаробод (74,2 %) туманларида нисбатан кам, қолган туманларида юқори улушни ташкил этади.

- хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик улуши Жиззах шаҳрида қолган ҳудудларга нисбатан кам (36,0 %) бўлишига қарамасдан, ҳажми жиҳатидан қолган ҳудудлардан юқори ўринга эга.

- қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик тадбиркорлик улуши Жиззах шаҳрида (98,8 %), Зомин (99,8 %), туманлари вилоятнинг улушидан нисбатан кам бўлиб қолган туманлар ҳажми жиҳатидан юқори ўринга эга.